



**Ilmiy amaliy
jurnal
№ 11 (13)
2025**

**YANGI
O'ZBEKISTON
IQTISODIYOTI**

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali 11-son 2025 yil*

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

11

ISBN 978-9943-5256-3-4

Toshkent – 2025

MUNDARIJA

Жанназарова Г.К., Кодиржонов Ш., Миркомиллов Д. Инфраструктура экологии: мировой опыт и перспективы для Узбекистана.....	7
Бабаханова Д.Р. Цифровая трансформация промышленности: инновации, которые определяют будущее.....	15
Raxmatullaev A.X. Neft-gaz sanoati korxonalarining samaradorligini oshirishda investitsion faoliyatni takomillashtirish.....	18
Кадинова Д.Ш. Фосфогипс чиқиндисиди асосиди олиндиған гипсли боғловчининг техник-иктисодий самарадорлик кўрсаткичлари.....	22
Исраилова Д.К. Иқтисодиётда аёллар бандлигини ташкил этишга назарий қарашлар...	24
Мирсаидова Ш.А. Зарубежный и отечественный опыт повышения эффективности строительных компаний.....	29
Солиева Г.А. Туризм и цифровые технологии.....	35
Қобиллов Ш. Янги Ўзбекистоннинг “Яшил” тараққийёт йўли” — хавфсизлик ва фаровонлик омили.....	39
Boboyev A.Ch. Hududlarda agrosanoat majmuasini klaster asosida ishlab chiqarishini tashkil etish	46
Жураханов М.Э. Концептуальные основы устойчивого развития малого бизнеса и предпринимательства Узбекистана.....	50
Ismatov R.O. Sanoat korxonalarida innovatsion faoliyatni boshqarish tizimini samaradorligini oshirish.....	55
Шокирова Г.М. Суть и особенности управления цифровым маркетингом и его значимость для организации бизнес-процессов на промышленных предприятиях.....	60
Anafiyaev A.M. Makroiqtisodiy barqarorlikni ta'minlashda sanoat tarmog'i salohiyatining roli.....	65
Mirzayev S.A. O'zbekiston qurilish sanoatida strategik boshqaruv.....	69
Sattikulova G.A. To'qimachilik sanoatini rivojlantirishni hududiy xususiyatlari yuzasidan ilg'or xorij tajribasi.....	72
Ubaydullaev K. Qoraqalpog'iston Respublikasi qishloq xo'jaligida moddiy-texnika resurslaridan foydalanish samaradorligini oshirish zahiralari.....	76
Quvondiqova G.S. “International experience: the interrelationship between industrial investments and economic growth”.....	80
Сапаров И.Ў. Европа иттифоқининг рақамли платформаларни тартибга солиш тажрибаси: Digital Markets Act (DMA) ва Digital Services Act (DSA).....	84
Saidaxmedov N.X. Raqamli texnologiyalar asosida yengil sanoat korxonalarida mehnat unumdorligini oshirish mexanizmlari.....	90
Pardayev T.N., Jo'rayev J.J., Usmonov Sh.E. Bojxona to'lovlaridan beriladigan imtiyozlarning samaradorligini oshirish yo'llari.....	94
Eraliev A.A. Efficient utilization of digitalization to enhance productivity in Uzbekistan's enterprises.....	99
Соҳибназаров А.А. Ўзбекистонда исломий молия тизимининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари: хронологик ёндашув.....	103
Karimova N.Y. Raqamli transformatsiya va mehnat unumdorligi o'sishining iqtisodiy rivojlanishga ta'siri: O'zbekiston misolida empirik tahlil.....	107
Usubjonov Z.V. Bank xizmatlari bozorini rivojlanishda marketing strategiyalaridan foydalanish.....	110
Jo'raboyev H.X. Analysis of economic and financial indicators of small business entities in the construction sector.....	113
Ziyodullaev S.M. Modern approaches to reducing liquidity risk in managing bank passive operations and harmonization with international standards.....	117
Хайдаров Х.У., Рахмонов Д.Р. Молиявий инқироз оқибатлари ва уларни олдини олиш чора-тадбирлари ахамияти.....	120

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 11-son 2025 yil

Achilov A.N. Aktuar uslublarning aktualligi.....	125
Berdiyarov B.T. O‘zbekiston tijorat banklari uchun sun’iy intellektga asoslangan kredit riski va likvidlikni boshqarish.....	127
Nishonboyev D.E. Directions for improving the business environment in Uzbekistan.....	132
Юлдашева Г. Основные направления повышения эффективности управления деятельности предприятий оптовой (розничной) торговли.....	136
Jumanazarova G. Investitsion siyosatni amalga oshirishda xorij tajribasi.....	138
Амбарцумян А.А. Некоторые проблемы внедрения возобновляемых источников в генерацию энергии.....	142
Yangiboyev U.A. Chakana savdo tarmoqlarini raqamlashtirish yo‘nalishlari	146
Холматов Б., Абдукаххорова З. Ижтимоий давлат моделлари	150
Mambetjanov Q.Q. Kambag‘allikni qisqartirishda inson kapitali omilidan samarali foydalanish yo‘nalishlari	154
Nigmatova D.Z., Amanov E.G’. Talant management tizimi – inson resurslarini boshqarishda innovatsion yondashuv sifatida	159
Xalmirzayev A.A., Shodiyeva N.H. Agroturizmni rivojlantirishning xalqaro tajribalari va undan O‘zbekistonda foydalanish imkoniyatlari	162
Normurodov X.E., Abduxalilov S.A. O‘zbekiston iqtisodiyotining barqaror o‘shida inson kapitalining ahamiyati	167
Мусаева Д.Д. Основные принципы и подходы к стратегическому управлению	172
Гайбуллаев Ф. Коррупциядан қарши мурасасиз муҳит яратиш борасида кенг қўламли ислохотлар стратегияси.....	175
Mirzayev B.S. Bank sektorida kredit xavflarini baholashning yangi usullari: PD–LGD–EAD integratsiyalashgan modeli.....	180
Ruzmanov Sh.U. Oziq-ovqat korxonalari mahsulotlari raqobatbardoshligini boshqarish samaradorligini baholash usullari.....	183
Xasanova X.F. Islomiy moliyalashtirishda buxgalteriya hisobi va audit tekshiruvlarini uyg‘unlashtirish.....	187
Baxtohunova D.N. Mijoz - bank uchun emas, bank- mijoz uchun. (Mijozning o‘rniga o‘zingiz o‘tiring...).....	191
Ikromov A.Sh. Yangi O‘zbekistonda oziq-ovqat korxonalarida mahsulot raqobatbardoshligini boshqarish amaliyotini davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash xususiyatlari.....	195
Abdumo‘minov A.A. Sanoat korxonalari raqobatbardoshligiga ta’sir etuvchi omillar.....	200
Murtazayev I.B. Zarafshon mintaqasida agrar salohiyat va qayta ishlash infratuzilmasini rivojlantirishning oziq-ovqat xavfsizligiga ta’siri.....	207
Абдухамидова Ф.Б. Факторы, влияющие на намерение пользователей оформлять цифровые подписки.....	212
Juraev D.A. Sanoat korxonalari ishlab chiqarish samaradorligini oshirish.....	215
Захирова Г.М. Ўзбекистонда тиббий туризмни ривожлантириш масалалари.....	218
Tursunov M.B. Tadbirkorlik risklarining mohiyati, mazmuni va turlari.....	223
Danabekov A.S. Yangi O‘zbekistonda kambag‘allikni qisqartirish - davlat siyosatining ustuvor masalasi sifatida.....	230
Кадырова И.В. Работы особенности регионального туристического кластера.....	233
Ro‘zimatova Sh.B. Xorazmda gastronomik turizmni rivojlantirish.....	237
Doniyev Sh.O’. Global iqtisodiy integratsiya sharoitida to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar jalb qilish: mavjud imkoniyatlar hamda to‘siqlar.....	240
Давлетов Ж.М. Зарубежный опыт управления качеством пассажирских перевозок на железнодорожном транспорте.....	244
Aripov O.A. Sharqda buyuk mutafakkirlarning asarlarida «tadbirkorlik» tushunchasi mohiyatining yoritilishi.....	248
Turebekov A.A. Jahon bozor iqtisodiyotida ishlab chiqarish xarajatlarini tartibga solishning nazariy jihatlar.....	253

**МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗ ОКИБАТЛАРИ ВА УЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-
ТАДБИРЛАРИ АХАМИЯТИ**

**ПОСЛЕДСТВИЯ ФИНАНСОВОГО КРИЗИСА И ВАЖНОСТЬ МЕР ПО ИХ
ПРЕДОТВРАЩЕНИЮ**

**THE CONSEQUENCES OF THE FINANCIAL CRISIS AND THE IMPORTANCE OF
MEASURES TO PREVENT THEM**

Хайдаров Х.У. ФарДУ доценти, и.ф.н.
Рахмонов Д.Р. ФарДУ 2-курс талабаси

Аннотация

Мазкур мақолада молиявий инқирозларнинг моҳияти, уларнинг юзага келиш сабаблари ва оқибатлари, шунингдек, жаҳон тажрибасида қўлланилаётган олдини олиш механизмлари чуқур таҳлил қилинади. Хусусан, Хавьер Фрейхас, Патрик Хонохан, Асли Демиргүч-Кунт каби олимларнинг фундаментал асарлари ҳамда Халқаро Валюта Жамғармаси, Жаҳон банки ва Банк фор Интернационал Сеттлементс томонидан эълон қилинган илмий ҳисоботлар асосида молиявий тизимдаги барқарорликни таъминлашда макропруденциал сиёсатнинг ўрни ёритилади. Шунингдек, турли мамлакатлар тажрибаси, уларнинг молиявий сиёсати самарадорлиги ва Ўзбекистон учун долзарб хулосалар ҳам баён қилинади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, молиявий инқирозларни самарали бошқариш фақат давлат сиёсати эмас, балки молия институтлари ва аҳолининг молиявий маданияти уйғунлигида амалга оширилиши мумкин.

Калит сўзлар: Молиявий инқироз, макропруденциал сиёсат, тизимли риск, банк барқарорлиги, пул-кредит сиёсати, халқаро молия институтлари, рискларни бошқариш, инвестиция муҳити, молиявий барқарорлик.

В статье дается глубокий анализ сущности финансовых кризисов, их причин и последствий, а также механизмов их предотвращения, используемых в мировой практике. В частности, на основе фундаментальных трудов таких ученых, как Хавьер Фрейшас, Патрик Хонохан и Асли Демиргюч-Кунт, а также научных отчетов, опубликованных Международным валютным фондом, Всемирным банком и Банком международных расчетов, освещается роль макропруденциальной политики в обеспечении стабильности финансовой системы. Представлен опыт различных стран, эффективность их финансовой политики и выводы, актуальные для Узбекистана. Результаты исследования показывают, что эффективное управление финансовыми кризисами может быть достигнуто не только посредством государственной политики, но и посредством координации деятельности финансовых институтов и повышения финансовой культуры населения.

Ключевые слова: Финансовый кризис, макропруденциальная политика, системный риск, банковская стабильность, денежно-кредитная политика, международные финансовые институты, управление рисками, инвестиционная среда, финансовая стабильность.

This article provides an in-depth analysis of the nature of financial crises, their causes and consequences, as well as prevention mechanisms used in world practice. In particular, the role of macroprudential policy in ensuring stability in the financial system is highlighted based on the fundamental works of scholars such as Javier Freixas, Patrick Honohan, and Asli Demirgüç-Kunt, as well as scientific reports published by the International Monetary Fund, the World Bank, and the Bank for International Settlements. The experience of various countries, the effectiveness of their financial policies, and relevant conclusions for Uzbekistan are also presented. The results of the study

show that effective management of financial crises can be achieved not only through state policy, but also through the coordination of financial institutions and the financial culture of the population.

Keywords: Financial crisis, macroprudential policy, systemic risk, banking stability, monetary policy, international financial institutions, risk management, investment environment, financial stability.

Сўнгги ўн йилликларда глобал иқтисодиёт тезкор ривожланиш билан бир қаторда кескин силжишларга ҳам дуч келмоқда. Молиявий инқирозлар, уларнинг қутилмаган оқибатлари ва чуқур ижтимоий-иқтисодий зарбалари бу жараённинг ажралмас қисмига айланган. Хусусан, 1997-йилдаги Осиё молиявий инқирози, 2008-йилдаги глобал молиявий инқироз ва 2020-йил пандемия даврида юзага келган иқтисодий издан чиқишлар шуни кўрсатадики, ҳатто энг кучли иқтисодиёти ривожланган давлатлар ҳам молиявий барқарорликдан тўлиқ ҳимояланган эмас. Молиявий инқирозларнинг илдиз сабаблари хилма-хил: молия институтларининг ҳаддан ташқари риск олишга мойиллиги, кредитлашнинг кескин кенгайиши, бюджет ва ташқи қарзлар босими, шунингдек, пул-кредит сиёсатидаги номуносивбликлар. Шу билан бирга, айрим мамлакатларда хомашё экспортига юқори даражада боғлиқлик ҳам молиявий тизимни ташқи тебранишларга сезгир қилиб қўяди. Бу эса, айниқса, ривожланаётган мамлакатлар учун жиддий хавф туғдиради. Жаҳон олимлари — Хавиер Фрейхас, Патриск Ҳоноҳан, Асли Демирғўс-Кунт ва уларнинг ҳамкорлари молиявий инқирозларни ўрганишда муҳим илмий ҳулосаларга келган. Уларнинг тадқиқотларида инқирозлар фақатгина молиявий сектор муаммоси эмас, балки бутун иқтисодиёт, ҳатто ижтимоий барқарорликка ҳам бевосита таъсир кўрсатадиган ҳодиса сифатида ёритилади. Шу боис, инқирозларнинг олдини олиш нафақат иқтисодий воситалар, балки ҳуқуқий, институционал ва ижтимоий чора-тадбирларни уйғунлаштиришни талаб этади. Халқаро молия институтлари — Халқаро Валюта Жамғармаси, Жаҳон банки, Банк фор Интернационал Сеттлементс — ҳам охириги йилларда макропруденциал сиёсатни инқирозларнинг олдини олишда асосий инструмент сифатида илгари сурмоқда. Бу ёндашув рискларни эрта аниқлаш, тизимли мувозанатни сақлаш ва бозор иштирокчиларининг масъулиятини оширишга қаратилган.

Ўзбекистон ҳам глобаллашув шароитида иқтисодий тизимини ташқи омиллардан ҳимоя қилиш, ички молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар, банк тизимини трансформация қилиш, капитал бозорини ривожлантириш ҳамда инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича изланиш ва тадқиқотлар айнан шу мақсадга хизмат қилади. Шу ўринда мазкур мақолада молиявий инқирозларнинг моҳияти ва сабаблари, уларнинг оқибатларини камайтириш механизмлари, халқаро тажриба ва Ўзбекистон шароитида қўллаш мумкин бўлган самарали чоралар атрофлича кўриб чиқилади.

Молиявий инқироз тушунчаси иқтисодиёт назарияси ва амалиётида кенг қўлланилади. Олимлар бу масалага турлича ёндашган бўлсалар-да, умумий жиҳати шундаки, молиявий инқироз – бу молия тизимининг издан чиқиши, банклар, фонд бозорлари ва бошқа молия институтларининг барқарор фаолият юрита олмаслиги натижасида иқтисодиётнинг умумий изчил ривожланишига жиддий хавф туғдирадиган жараёндир. Халқаро миқёсдаги адабиётларда молиявий инқироз “тизимли инқироз” (systemic crisis) атамаси билан ҳам ифодаланади. Фрейхас, Лаевен ва Пейдру [1; 2] ўз тадқиқотларида бундай ҳолатни “молия тизимининг турли сегментларида юзага келадиган издан чиқиш натижасида молия бозорларининг нормал функциялаш жараёни бузилиши ва бу ҳолат реал сектор фаолиятига сезиларли салбий таъсир кўрсатиши” сифатида таърифлайдилар. Патриск Ҳоноҳан ва Лус Лаевен [2] эса молиявий инқирозни “банк тизими ва молия бозорларидаги муаммолар ҳукуматнинг фавқулудда аралашувини талаб қиладиган даражага етган вазият” деб изоҳлайди. Демак, молиявий инқироз оддий иқтисодий тебранишлардан фаркли равишда кенг қамровли, тизимли ва узок муддатли оқибатларга эга бўлиши билан ажралиб туради.

Молиявий инқирозлар турли омиллар таъсирида келиб чиқади, Масалан, Банклар қисқа муддатда фойда олиш мақсадида юқори рискли кредитларни беришга мойил бўладилар.

Натижада кредит портфели сифати ёмонлашади ва қайтарилмаган қарзлар кўпаяди. Асли Демиргес-Кунт ва Эдвард Кане [3] ўз асарларида банкларнинг рискни тўғри баҳолай олмаслиги молиявий инқирозларнинг энг кенг тарқалган сабабларидан бири эканини қайд этади. Шунингдек, Давлатнинг ҳаддан ташқари қарзланиши молиявий барқарорликка жиддий босим ўтказди. Халқаро Валюта Жамғармаси ҳисоботларига кўра, ташқи қарз ЯИМнинг 60–70 фоизидан ошганда инқироз хавфи кескин кучаяди. Масалан, Греция 2010-йилда қарз инқирозига юз тутиб, халқаро молия институтлари ёрдамига муҳтож бўлди. Марказий банклар томонидан пул массасининг ҳаддан ташқари кўпайтирилиши инфляцияни тезлаштиради ва иқтисодий мувозанатни бузади. Лотин Америкаси мамлакатларида 1980–1990-йилларда юқори инфляция (хатто гиперинфляция) молиявий беқарорликнинг асосий омили бўлган. Бир неча соҳа ёки маҳсулотга ҳаддан ташқари таяниш молиявий барқарорликни хавф остига қўяди. Масалан, 2014-йилда нефт нархининг кескин пасайиши Россия иқтисодиётига жиддий зарба берди. Ўзбекистонда ҳам 2000-йилларда газ ва пахта экспортига қарамлик кучли бўлгани сабабли ташқи нарх тебранишлари молиявий тизимни беқарорлаштирган. Молиявий инқирозларнинг сабаблари бир хил эмас, аммо уларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, уларнинг илдизи иқтисодиётда мувозанатни бузадиган тизимли номутаносибликларда ётади. Жаҳон адабиётлари шуни кўрсатадики, молиявий инқирозлар доимо иқтисодий фаолиятнинг ҳаддан ташқари кенгайиши, рискларни нотўғри бошқариш ва давлат сиёсатидаги мувозанатсизликлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган.

Молиявий инқирозларни бартараф этиш ва уларнинг олдини олишда давлатнинг роли ниҳоятда муҳимдир. Чунки молия бозорлари ўз-ўзидан барқарор ишламайди: улар турли рискларга, кутилмаган ташқи зарбаларга, ички номутаносибликларга тезда таъсирчан бўлади. Шундай вазиятда давлат тартибга солувчи, мувофиқлаштирувчи ва кафолатловчи механизмлар орқали иқтисодий барқарорликни сақлаш вазифасини бажаради. Халқаро амалиёт шуни кўрсатадики, молия тизимида давлатнинг иштирокисиз барқарорликни таъминлаш мумкин эмас. Асли Демиргес-Кунт ва Эдвард Кане [4] тадқиқотларига кўра, регуляция ва назорат институтлари қанчалик кучли бўлса, молиявий инқирозлар хавфи шунчалик паст бўлади. Давлатнинг молиявий тартибга солишдаги асосий вазифалари: банклар фаолиятини назорат қилиш; кредитлаш жараёнларида ишларни чеклаш; молия бозорларида шаффофликни таъминлаш; халқаро стандартларга мос регуляция тизимини яратишдир.

Марказий банк давлат молиявий сиёсатининг энг муҳим институтидир. Унинг асосий вазифаси — пул массасини мувозанатда ушлаш, инфляцияни жиловлаш ва миллий валютани барқарорлаштиришдир. Масалан, 2008-йилги глобал инқироз даврида АҚШ Федерал Резерв тизими иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш мақсадида фоиз ставкаларини кескин пасайтирган ва ликвидликни ошириш учун триллионлаб доллар миқдорида “квантитатив юмшатиш” сиёсатини олиб борган. Бу чора-тадбирлар иқтисодий инқироз оқибатларини юмшатишда муҳим рол ўйнаган. Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда Марказий банк асосий ставкани иқтисодий вазиятга мос равишда белгилаб, инфляция даражасини пасайтиришга интиломда.

Молиявий инқирозларни бартараф этишда халқаро ҳамкорлик алоҳида ўрин тутди. Халқаро Валюта Жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки каби ташкилотлар давлатларга молиявий ёрдам, техник кўмак ва маслаҳатлар бериб келмоқда. Ўзбекистонда ҳам иқтисодий ислохотларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида халқаро институтлар билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Масалан, сўнгги йилларда банк секторини модернизация қилиш, давлат корхоналарини трансформация қилишда Жаҳон банки ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Давлат молиявий инқирозларни олдини олиш ва уларнинг оқибатларини юмшатишда стратегик ўрин тутди. Кучли молиявий назорат, самарали пул-кредит ва фискал сиёсат, хавфларни мониторинг қилиш, шунингдек халқаро институтлар билан ҳамкорлик давлатга иқтисодий барқарорликни таъминлаш имконини беради.

Молиявий инқирозларнинг оғир оқибатларини ҳисобга олиб, уларнинг олдини олиш масаласи бугунги кунда жаҳон иқтисодиёти олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир. Жаҳон тажрибаси кўрсатадики, инқирозларни бутунлай бартараф этиб бўлмаса-да, уларнинг

салбий таъсирини сезиларли даражада юмшатиш ва хавфини камайтириш мумкин. Бунинг учун эса давлат сиёсати, банклар фаолияти, халқаро ҳамкорлик ва аҳолининг молиявий маданияти биргаликда ишлаши зарур. Аввало, банк тизимини мустаҳкамлаш инқирозларнинг олдини олишда бирламчи шарт ҳисобланади. Чунки молиявий бекарорлик кўпинча айнан банклар орқали юзага келади. Шу боис банкларнинг капитал етарлилигини ошириш, ликвидликни таъминлаш ва кредит рискларини диверсификация қилиш муҳимдир. Халқаро миқёсда қабул қилинган Базел III стандартлари банклар учун барқарорликни мустаҳкамловчи асосий талаб сифатида қаралмоқда. Жанубий Корея тажрибаси бунга ёрқин мисолдир: 1997-йилги Осиё инқирозидан кейин банк тизимида туб ислохотлар ўтказилган ва натижада 2008-йилги глобал молиявий инқирозда бу мамлакат бошқа кўплаб давлатларга нисбатан тезроқ тиклана олган. Шунингдек, молия бозорларида шаффофликни таъминлаш ҳам молиявий барқарорликнинг муҳим омилдир. Корхоналар ва банкларнинг молиявий ҳисоботларини халқаро стандартларга мос равишда эълон қилиши, мустақил аудиторлик назорати ва коррупцияга қарши механизмлар инвесторларда ишонч уйғотади. Демиргүç-Кунт ва Лаевен ўз тадқиқотларида шаффофлик даражаси юқори бўлган мамлакатларда молиявий инқироз хавфи кескин камайишини илмий асослаб берган. Пул-кредит сиёсатида эҳтиёткорлик ҳам катта аҳамият касб этади. Марказий банк пул массасини назорат остида ушлаб, инфляцияни жиловлаш, миллий валютани ҳаддан ташқари тебранишлардан ҳимоя қилиш орқали молиявий барқарорликни қўллаб-қувватлайди. Масалан, Швейцария Марказий банки узоқ йиллар давомида қатъий инфляцияни жиловлаш сиёсати орқали мамлакатни йирик молиявий силкинишлардан асраб келмоқда. Фискал интизом ҳам инқирозларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутаяди. Давлат бюджети дефицитини назорат қилиш, қарзнинг ҳаддан ташқари ошиб кетишига йўл қўймаслик, ижтимоий харажатлар ва инвестициялар ўртасида мувозанатни сақлаш зарур. Германия томонидан қўлланилаётган “қарз тормози” механизми бунга ёрқин мисол бўлиб, унга кўра, давлат бюджети дефицити ЯИМнинг 0,35 фоизидан ошмаслиги белгиланган. Бу мамлакатнинг молиявий интизомини мустаҳкамлашда катта рол ўйнаган. Молиявий хавфларни мониторинг қилиш ва “эрта огоҳлантириш тизимлари”ни жорий этиш ҳам инқирозларнинг олдини олишда самарали восита ҳисобланади.

Макропруденциал кузатув, банклар фаолиятини стресс-тест қилиш ва халқаро молия бозорларини реал вақт режимида кузатиш орқали хавфларни эрта аниқлаш ва уларга қарши чоралар кўриш мумкин. Жаҳон банки ва Халқаро Валюта Жамғармаси тавсияларига кўра, бундай тизим мавжуд бўлган давлатларда инқироз хавфи кескин камаяди. Бундан ташқари, молиявий инқирозларнинг глобал тус олишини ҳисобга олиб, халқаро молиявий ҳамкорликни ривожлантириш зарур. Молия бозорларида ахборот алмашинуви, минтақавий суғурта фондлари, халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик мамлакатларни бекарорликдан ҳимоя қилади. АСЕАН мамлакатларининг “Чианг Маи ташаббуси” асосида валюта захиралари бўйича қўшма фонд тузиши шундай механизмлардан биридир. Ниҳоят, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш инқирозларнинг олдини олишда бевосита таъсирчан чорадир.

Жамғарма ва инвестиция маданиятини ривожлантириш, банк хизматларидан онгли фойдаланишни тарғиб қилиш, молиявий таълим дастурларини кенгайтириш орқали фуқаролар ўз маблағларини оқилона бошқаришга ўрганадилар. Бу эса жамиятда молиявий барқарорликни янада мустаҳкамлайди.

Умуман олганда, молиявий инқирозларнинг олдини олиш комплекс ёндашувни талаб қилади. Бунда давлатнинг кучли сиёсати, банклар фаолиятидаги ислохотлар, халқаро ҳамкорлик ва аҳолининг молиявий маданияти уйғунликда ишлаши зарур. Фақат шундагина мамлакатлар иқтисодий барқарорликни сақлаб қолиб, глобал молиявий тебранишларга бардош бера олади.

Молиявий инқирозлар тарихий жараён сифатида деярли барча мамлакатлар бошидан ўтказган синовдир. Уларнинг келиб чиқиш сабаблари турлича бўлса-да, умумий хулосага кўра, молия тизимининг заифлиги, рискларни нотўғри бошқариш, давлат қарзларининг ортиши, пул-кредит сиёсатидаги номутаносибликлар ва глобал иқтисодий тебранишларга ҳаддан ташқари қарамлик молиявий бекарорликнинг асосий манбалари ҳисобланади.

Оқибатлари эса янада оғир бўлиб, ишлаб чиқаришнинг қисқариши, ишсизликнинг ошиши, инфляциянинг кучайиши, аҳоли даромадларининг пасайиши ва ижтимоий тангликка олиб келади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, молиявий инқирозларнинг олдини олиш мумкин, бироқ бунинг учун давлат сиёсати, молия институтлари фаолияти ва жамиятнинг умумий иштироки уйғун бўлиши зарур. Давлат ўз зиммасига тартибга солувчи ва кафолатловчи ролни олиб, кучли фискал интизом ва эҳтиёткор пул-кредит сиёсатини юритиши, банклар фаолиятида шаффофлик ва рискларни бошқаришни таъминлаши, халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириши лозим. Шу билан бирга, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эга, чунки ҳар бир фуқаро ўз жамғармалари ва инвестицияларини оқилона бошқара олса, бутун молия тизими барқарорроқ бўлади. Ўзбекистон мисолида ҳам, жорий қилинаётган иқтисодий ислохотлар, банк тизимининг босқичма-босқич модернизацияси, халқаро стандартларга мос тартибга солиш чоралари ҳамда аҳоли молиявий саводхонлигини ошириш дастурлари келажакда юзага келиши мумкин бўлган инқирозларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда. Хулоса қилиб айтганда, молиявий инқирозларнинг оқибатларини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар тизимли ва комплекс тарзда олиб борилгандагина самара беради. Кучли давлат сиёсати, масъулиятли молия сектори ва онгли жамият уйғунлиги барқарор иқтисодий тараққиётнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Freixas, X., & Rochet, J.-C. (2008). *Microeconomics of Banking*. MIT Press.
2. Honohan, P., & Laeven, L. (2005). *Systemic Financial Crises: Containment and Resolution*. Cambridge University Press.
3. Reinhart, C. M., & Rogoff, K. S. (2009). *This Time Is Different: Eight Centuries of Financial Folly*. Princeton University Press.
4. Demirgüç-Kunt, A., & Detragiache, E. (1998). The Determinants of Banking Crises in Developing and Developed Countries. *IMF Staff Papers*, Vol. 45, No. 1.
5. Caprio, G., & Klingebiel, D. (2003). *Episodes of Systemic and Borderline Financial Crises*. World Bank Policy Research Working Paper.
6. Allen, F., & Gale, D. (2007). *Understanding Financial Crises*. Oxford University Press